

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖАМОЛДИНОВ Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси,
Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
маркази бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори*
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13731701>

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш институтининг ривожланиш босқичлари ҳақида сўз юритилган. Мақолада ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолиятидаги долзарб муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, мурожаатлар институтининг тархий ривожланиши, мурожаатлар билан ишлаш тартиби ва механизми, видеомурожаатларни қабул қилиш масалалари, мурожаатларни кўриб чиқилиши устидан идоравий назорат ўрнатишнинг замонавий шакллари қўллаш, ички ишлар органларини мурожаатлар билан ишлаш фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, видеомурожаат, жисмоний шахс, ариза, шикоят, мурожаат.

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА РАБОТЫ С ОБРАЩЕНИЯМИ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается социальная необходимость и этапы становления института работы органов внутренних дел с обращениями физических и юридических лиц. В статье выдвинуты предложения и рекомендации по актуальным проблемам деятельности органов внутренних дел по работе с обращениями, путям их преодоления, историческому развитию института обращений, порядку и механизму работы с обращениями, вопросам приема видеообращений, применению современных форм ведомственного контроля за рассмотрением обращений, путям повышения эффективности деятельности органов внутренних дел по работе с обращениями.

Ключевые слова: органы внутренних дел, видео обращения, физическое лицо, заявление, жалоба, обращение.

STAGES OF DEVELOPMENT OF THE INSTITUTE OF WORK WITH APPEALS FROM INDIVIDUALS AND LEGAL ENTITIES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES

ANNOTATION

This article examines the social necessity and the stages of formation of the institution of work of internal affairs bodies with appeals from individuals and legal entities. The article puts forward proposals and recommendations on topical issues of the activities of internal affairs bodies in dealing with appeals, ways to overcome them, the historical development of the institute of appeals, the procedure and mechanism of working with appeals, issues of receiving video messages, the use of modern forms of departmental control over the consideration of appeals, ways to improve the effectiveness of internal affairs bodies in dealing with appeals.

Keywords: internal affairs bodies, video appeals, individual, statement, complaint, appeal.

Мурожаат бу инсоннинг моддий ёки номоддий (хусусан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш) эҳтиёжини қондириш мақсадида бошқа бир инсонга ёки давлат органларига оғзаки, ёзма электрон тарзда билдирган хатти-ҳаракат ҳисобланади. Инсонлар ҳаётлари давомида ўзларининг турли ҳил эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиб келадилар. Шулардан бири уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган эҳтиёждир.

Шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш шунингдек ҳар қандай ҳуқуқий масала (фуқаровий, маъмурий, жиноий, меҳнат ва ҳ.к)да ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эҳтиёжини қондириш учун ушбу соҳада етарли билим, малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислар зарур. Бугунги кунда ҳуқуқшуносларга бўлган эҳтиёжларни қондириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор олий таълим муассасалари хусусан: Ички ишлар вазирлиги Академияси, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус давлат университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университетининг филиали ва бошқа олий таълим муассасалари ана шундай ҳуқуқшунос мутахассисларни амалиётга тайёрлаб келмоқда.

Сир эмаски, фуқаролар биринчи навбатда ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни, шунингдек ўзининг қонуний ҳуқуқларини амалга оширишни сўраб, энг аввало ИИО ходимлари (асосан ҳудуд профилактика инспектори)га мурожаат қиладилар. Чунки, ҳар бир шахс (жисмоний ва юридик шахс) ИИО ходими тимсолида шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, ҳуқуқшуносликни яхши биладиган шахсни кўради. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, энг аввало мурожаатлар билан ИИОнинг энг қуйи бўғини ҳисобланган ҳудуд профилактика инспекторлари дуч келади ва мурожаатларни кўриб чиқади десак, асло муболаға бўлмайди.

Мана шу жиҳатдан ҳам ИИО ходимларидан ҳуқуқ соҳасининг ҳар бир тармоғини яхши билишлик ҳамда фуқароларга уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда кўмаклашиш талаб этилади.

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини 27 йиллигига бағишланган тантанали нутқида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятига алоҳида тўхталиб, "...кейинги пайтда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти суд, прокуратура, ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликларга тааллуқли. Шунини инобатга олиб, ушбу идоралар халқимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизимини яратиши зарур. Ҳар бир ариза ва шикоятнинг қонуний ечими ана шу идоралар раҳбарлари фаолиятига берилган баҳо бўлади" [1] деб таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимиз худудида ИИОни жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг тарихан шаклланиш тенденцияларидан келиб чиқиб, ушбу институтнинг ривожланишини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

1-босқич: Илк даврдан мамлакатимиз худудига ислом дини кириб келгунга қадар (*мил.авв. VII – мил. VII асрлар*) бўлган давр – бу даврда дастлаб одамлар ибтидоий тўда, уруғ, уруғ жамоаси ва қабила сифатида яшаган бўлиб, ўзаларини ҳуқуқларини қабила аъзоларининг бошлиқларига мурожаат қилиш билан тиклаган. Шу билан бирга, бу даврда илк давлатчилик шаклланган ва давлат институтларига мурожаат қилиш анъаналари вужудга келган.

Хусусан, тарихий маълумотларга мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиёнинг нисбатан ривожланган худудларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлайди. Мил. авв. IX-VIII асрларга келиб, Бактрия (Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон) худудларида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган сиёсий бирлашмалар ташкил топади. Ўша даврда Марғиёна ва Сўғдиёна қадимги Бактриянинг айрим қисмлари бўлганлиги ҳақида турли маълумотлар бор. Бактрия Шарқдаги энг муҳим ҳарбий ва иқтисодий марказлардан бири бўлиб, аҳолининг, қудратли шаҳарлар ва қалъаларнинг кўплиги, табиий хом ашёга бойлиги, муҳим марказий савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги, хунармандчиликнинг равнақи шундан далолат беради.

Хуллас, милoddан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида, аниқроғи VII асрлардаёқ мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ узил-кесил вужудга келган дейишга ҳақлимиз [2].

Қадимги давр Марказий Осиё халқлари ҳуқуқини ўрганишда “Авесто” катга аҳамияга эга. Бундан ташқари, одат ҳуқуқлари, Аҳамонийлар даврида ёзма ҳуқуқий манбалар, А.Македонский ва Юнон-Бактрия подшолари, Салавкийлар давлати ва Парфияда эса Юнон-Рим ҳуқуқи ҳам қисман амал қилган бўлиши мумкин. Аҳамонийлар подшоларидан Доронинг Беҳистун қояларидаги ёзувларида, китобаларда босиб олинган ўлкаларда “қонун”лар жорий қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди;

2-босқич: Ўрта асрлар ва кейинги даврлар (*VII аср-XX аср бошлари*) – бу даврда мамлакатимизга ислом дини кириб келиб, давлат шариат қоидаларига асосан бошқарилган. Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳам шариат қоидаларига биноан, яъни Қуръони Карим, ҳадислар ва бошқа манбалар асосида ҳал этилган. Бу даврда мамлакатимизда Хоразмшоҳлар, Чингизийлар, Темурийлар давлатлари бўлиб, уларда ички ишлар органлари вазифасини шихналар амалга ошириб, уларнинг асосий вазифаси аҳоли тинчлигини сақлаш, жамоат тартибини таъминлаш ва жинойтчиларни жазолаш функцияларини бажаришдан иборат бўлган.

Амир Темур ва Темурийлар давлати мамлакатимиз тарихида улкан из қолдирган десак, асло муболаға бўлмайди. Зеро А.Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда тарқоқлик, ўзаро низоларга чек қўйиб, Сирдарё бўйларида Орол денгизигача бўлган ерларда яшовчи халқларни ягона давлат тасарруфида бирлаштирган. Амир Темур даврида марказий маъмурият бошида девонбеги – бош вазир бошчилигидаги 7 вазирликдан иборат аркони давлат — Вазирлар Маҳкамаси турган. Бу даврда ҳам шариат аҳкомлари асосида иш кўрилган [3].

Тадқиқотчи С.Йўлдошев таъбири билан айтганда мурожаатларга бўлган муносабат Амир Темур салтанатида адолатли, интизомли ва мустаҳкам давлат барпо этишнинг асосий устунларидан бири ҳисобланган. Шунинг учун арз ва шикоятларни синчковлик билан ўрганиш, қонуний ва одилона ҳал этиш дастаклари мукамал ишлаб чиқилган ҳамда амалиётда қўлланилган [4].

Темурийлар давлатидан сўнг мамлакатимизда Шайбонийхонлар ва ундан сўнг Ўзбек хонликлари ҳукм сурган бўлиб, бу даврда жамоат тартибини сақлаш, ҳар бир хонликларда ички ишлар билан *миршаблар* шуғулланган. Уларнинг асосий вазифалари жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда жазо тортилган шахсларни жазоларини ижро этиш ҳисобланган. Бу босқичда фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича махсус лавозимлар жорий этилган. Хусусан даргоҳга фуқаролардан келиб тушган арзларни қабул қилиш, жавобини бериш ҳамда мамлакатдаги ижтимоий адолат тартибларига риоя қилишнинг назорати каби юмушларга *додҳоқ* лавозимида ишлаган шахс жавоб берган. Хива хонлигида эса бу лавозим *девонбеги* деб юритилган. Уларнинг асосий вазифалари хон номига ёзилган илтимосномаларни қабул қилар ва улар бўйича қабул қилинган қарорларни эгаларига етказар эди [5].

3-босқич: Собиқ Иттифоқ даври (1917-1991 йиллар)да ҳарбий-полиция тартиботи бўлиб – мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича махсус лавозимлар тугатилган, мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий институт ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида белгиланган. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки мамлакатимиздаги мавжуд учта хонликлар бирлашмаганликлари ва Чор Россияси босқинига қарши курашмаганлиги оқибатида мамлакатимиз мустамлакага айланган. Ўз навбатида Чор Россияси мамлакатимизни эгаллаб олганидан сўнг маҳаллий аҳолини бошқариш учун марказдан раҳбар тайинлаб юборилган. Шунингдек мамлакатимиз ҳудудига Чор Россиясининг узок ўлкаларидан бир нечта аҳоли кўчириб келтирилган. Таъкидлаш лозимки, ушбу даврда асосан европалик аҳоли вакилларидан тайинланган милиция бошлиқларининг маҳаллий аҳолининг тилини, урф-одатларини билмаслиги, халқ мурожаатларига беписанд муносабатда бўлиши, маҳаллий кадрларнинг камлиги халқнинг милицияга бўлган ишончини сўндирган.

Собиқ иттифоқ таркибига кирган Туркистон ўлкасининг ҳуқуқ манбалари тизими ўзига хос кўринишда эди. Ўлкани бошқариш ҳақидаги Низомнинг 256-моддаси, Россия империяси фуқаролик қонунлари тўпламининг 216, 255-моддаларида маҳаллий халқлар учун асрлар мобайнида удум бўлиб келган мусулмон ҳуқуқи тан олинди, аммо, шунга қарамай, туб аҳоли жуда кўп ҳуқуқлардан маҳрум этилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳуқуқ манбаларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: 1) империя ҳуқуқи; 2) шариат ҳуқуқи. Ўз навбатида, империя ҳуқуқи ҳам икки қисмдан - умумимперия қонунлари ва мустамлакачилик ҳуқуқларидан иборат бўлиб, биринчисига 1835 йилдаги “Фуқаролик қонунлари тўплами”, Векселлар тўғрисидаги Устав, 1866 йилдаги “Жиноий ва тузатувчи жазолар ҳақида”ги Низомнома (Уложение), шунингдек, 1864 йилдаги Суд уставларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мустамлакачилик ҳуқуқи Туркистон шароитида қўлланилган кўплаб қонунлар маҳаллий халқлар ҳуқуқларини чеклашга қаратилган тўлдиришлар, аниқлаш ва истиснолардан иборат моддалар тарзида яратилган. Булардан ташқари, ҳукумат фармойишлари, ички ишлар, ҳарбий ишлар вазирлигининг, Туркистон генерал-губернаторининг буйруқ ва кўрсатмалари мустамлакачиликни бошқариш усулини ўрнатганки, буларни ўз номи билан мустамлакачилик ҳуқуқи дейиш мумкин. Маҳаллий халқлар учун шариат ҳуқуқининг тўртта манбаи - Куръон, суннат, ижмо ва қиёс амалда бўлди.

Туркистоннинг ўтроқ халқлари орасида ҳам баъзи масалаларда одат ҳуқуқлари ҳуқуқ манбаи бўлиб келган. Одат, албатта, ўтроқ ва кўчманчи чорвадор халқларда бир хил бўлмаган. Ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланадиган халқларда шу борадаги одат ҳуқуқларига руҳсат этилган. Жумладан, 1886 йилги Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низомда мустамлакачи ҳукумат мусулмон ҳуқуқи билан мураса қилибгина қолмай, балки уни келажакда ўрганишга йўл очган.

Этиборли жиҳати шундаки, бу даврда яъни 1953-йил 20-июлда Ўзбекистон ҳукумати «Ўзбекистон ССРда ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш ва жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шундан сўнг қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, қонун талабларини бир неча бор бузган шахслар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида милиция хизматлари ва кундалик отрядлар фаолиятини бошқаришни тезкор қўллаб-қувватлаш учун навбатчилик хизмати ташкил этилди ва фуқаролар куннинг исталган вақтида ёрдам сўраб милицияга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлдилар [6].

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки ушбу даврга келиб, мурожаат қилиш ҳуқуқи фақат фуқароларга нисбатан татбиқ этилган бўлиб, Конституциявий ҳуқуқ сифатида (Ўзбекистоннинг 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституцияси) эътироф этилди.

4-босқич: 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган давр – Бу даврда энг аввало Мамлакатимиз Собиқ Иттифоқдан ажралиб, мустақилликни қўлга киритди ва ўзининг Конституциясини қабул қилганини эътироф этиш жоиз. Конституциямизда эса, мурожаат қилиш ҳуқуқи барча шахсларга нисбатан қўлланилиши ва махсус қонунлар даражасида мустаҳкамланди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатлари, талаблари, шартлари, мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органлари, муассасалари ва мансабдор шахсларнинг бу борадаги мажбуриятларининг ҳуқуқий асослари ва механизмлари, мурожаатларни кўрмасдан қолдиришнинг ҳуқуқий оқибатлари бўйича жавобгарликлар мустаҳкамланди.

Бу босқичда ИИО фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятини тартибга солиш борасида ўзининг бир қанча ички норматив ҳужжатларини қабул қилди. Ҳозирги кунда мазкур норматив ҳужжатлар асосида фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилмоқда.

5-босқич: Мурожаатлар билан ишлашнинг замонавий даври (2016-йил ва ҳозирги кунга қадар бўлган давр) бўлиб – бунда халқ билан мулоқот, инсонларни рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш давлат фаолиятининг асосий мақсади сифатида белгиланди, мурожаатлар билан ишлаш тизими ислоҳ қилиниб, янги институт ва механизмлар, ёндашувлар ва замонавий технологиялар жорий қилинди, бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилди, виртуал қабулхоналар фаолияти йўлга қўйилди, Халқ қабулхоналари ташкил этилди, шахсий, оммавий ва сайёр қабуллар ҳаётий воқеликка айланди, мурожаатлар билан ишлаш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этила бошланди. Шу билан бирга, ИИОда ҳам мурожаатлар билан ишлаш юзасидан ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиб, ички ишлар тизимида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича бўлим очилди ва ушбу бўлим биринчи бўлиб электронлаштирилди.

Замонавий ахборот технологиялари, телекоммуникацияларнинг шиддат билан ривожланиши, мурожаатлар билан ишлашни ҳам замонавийлаштиришга, яъни мурожаатларни қабул қилишни ахборот технология воситалари орқали амалга ошириш заруриятини вужудга келтирди. Ушбу босқичда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши ИИОга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятига мутлақо янгича ёндашишни талаб қилди.

Бунда, энг аввало Ўзбекистон Республикасида 2016 йил 24 сентябрдан бошлаб Бош вазирнинг (ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти) виртуал қабулхонаси ўз иш фаолиятини бошлагани мурожаатлар билан ишлашда ахборот технологияларидан фойдаланишдаги дастлабки қадам бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Бу эса, қайд этилган мурожаатларнинг тегишлилиги ва мазмуни бўйича таҳлил қилиш ва натижалари бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятининг долзарблигини янада кучайтирди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президенти (2016 йил 23 декабрга қадар Бош вазир) виртуал қабулхонасининг амалиётга татбиқ этилиши оқибатида барча соҳалар, хусусан ИИО ваколатига кирадиган (ушбу тизимда ҳал этилиши лозим бўлган) масалалар бўйича кўплаб фуқаролар ёрдам сўраб виртуал қабулхонага мурожаат этишларига қулай имконият яратилди [7].

Айни пайтда, ИИОнинг мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида тизимда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йил 7 сентябр куни ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 244-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқ билан Ички ишлар вазирлигининг «Мурожаатларни қабул қилиш гуруҳи (all enter) тўғрисидаги» Низоми тасдиқланди.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки 2016 йилдан сўнг давлат органларининг хусусан ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш фаолияти том маънода ўзгариб ҳар бир мурожаатнинг ортида инсон тақдири, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари турганлигини ҳар бир ҳодим ўз танасида ҳис қила бошлади. Бу албатта барча ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганлигидан далолатдир.

ИҚИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т. “Шарқ” 2000. Б.20.
3. www.iiv.uz сайти. Вазирлик тарихи рукнидан олинган
4. Йўлдошев.С. Амир Темур салтанатида адолат устуворлиги ва шикоятларнинг ҳал этилиши тарихидан / Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари-1/2016.-Тошкент. 88 б.
5. Юсупов С.Б.“Давлат органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш (ташкилий-ҳуқуқий масалалар)”: Моно-графия. 51-б – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2020
6. Қодиров Қ., М.Татарников “Ўзбекистон халқи хизматида” ИИВнинг 30 йиллигига бағишланган Китоб-албом 59-60 бет Т: 2021й
7. Отажонов А.А ва бошқалар “Ички ишлар органларида мурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш, ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш” Ўқув услубий қўлланма // - Т : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 5 б.